

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

«Фермер хўжалигини бошқариш» факультети

5610100 Фермер хўжалигини бошқариш йўналиши

«Фермер хўжалигини бошқариш» кафедраси

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: «Фермер хўжаликларида ипакчилик самарадорлигини ошириш йўллارининг таҳлили»

Бажарди:

4-босқич 36 гуруҳ талабаси

Ш. Мирджалолова

Илмий раҳбар, катта ўқитувчи

Шерипбаева У. А.

Такризчи

Битирув малакавий иши кафедрада муҳокама қилинди ва ҳимояга тавсия этилди.

Фермер хўжалигини бошқариш факультети декани, доцент

_____ Абдувосиқов А.

Кафедра мудири,

« ____ » _____ 2010 йил

_____ проф. Саматов Ғ.А.

« ____ » _____ 2010 йил

ТОШКЕНТ – 2010

Мавзу: Фермер хўжаликларида ипакчилик самарадорлигини ошириш йўлларининг таҳлили.

М У Н Д А Р И Ж А

К и р и ш

1-боб. Республикада пиллачиликнинг аҳамияти ва ривожланиш асослари

1.1 Пиллачиликнинг миллий иқтисодиётдаги аҳамияти

1.2 Республикада пиллачиликни ривожлантириш асослари

2-боб. Фермер хўжаликларида пиллачилик ва унинг натижаларини таҳлили.

2.1 Фермер хўжаликларида ипак қуртини боқиш технологияси.

2.2 Фермер хўжаликларида пиллачилик самарадорлиги .

3-боб. Фермер хўжаликларида пиллачилик самарадорлигини ошириш йўллари .

3.1 Пиллачиликда самарали технологияларни қўллаш.

3.2 Ипак қурти касалликлари ва зараркунандаларига қарши кураш

3.3 Пиллачиликда озуқа базасини мустаҳкамлаш.

Хулоса ва таклифлар

Фойдаланилган адабиётлар

Кириш

Мамлакатимизни ривожлантириш, янгилаш ва модернизация қилиш бўйича танлаган стратегиямизни ва Инқирозга қарши қабул қилган дастурумизни амалга ошириш натижасида юртимиз дунёдаги sanoқли давлатлар қаторида иқтисодий ва ижтимоий ривожланишининг барқарор суръатларини таъминлаш, аҳолимизнинг моддий фаровонлигини юксалтиришига эришилди

2009 йилда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8,1 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 9,0 фоизга кўпайди, қишлоқ хўжалигидаги ўсиш 5,7 фоизни ташкил этди, чакана савдо айланмаси 16,6 фоиз, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш 12,9 фоизга ошди.

Мураккаб иқлим шароитига қарамай, мамлакатимизда илк бор 7,3 миллион тоннадан ортиқ дон, шу жумладан, 6 миллион 600 минг тонна бугдой етиштирилди, 3,4 миллион тонна пахта хомашёси тайёрланди.

2009 йил қтисодиётга инвестициялар киритиш ҳажми 8,2 миллиард долларни ташкил этди, бу эса 2008 йилга нисбатан 24,8 фоиздан кўп демакдир. Жалб этилган хорижий инвестициялар ҳажми 68 фоизга ўсди, енг муҳими, уларнинг асосий қисми тўғридан-тўғри киритилган инвестициялар бўлиб, уларнинг ҳажми 1,8 баробар ошди.

Мамлакатимизда инфляция даражаси 7,4 фоизни ташкил этиб, 2009 йил учун белгиланган прогноз кўрсаткичларидан ошмади. Давлатимиз бюджетини ўтган йили ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз миқдорда профицит билан бажарилди.

Ўзбекистоннинг Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш борасида эришган ютуқлари нуфузли халқаро молия ташкилотлари ва иқтисодий институтлар, жумладан, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва дунёнинг бошқа бир қатор етакчи молиявий институтлари томонидан эътироф этилди.

Республикамизда ипакчилик тармоғи кўп асрлик тарихга эга. Ўзбекистон ҳозирги вақтда пилла, табиий ипак толалари ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда етакчи ўринларни эгаллайди. Жаҳон ҳамжамияти ҳамма вақт ҳам ўзбек усталари томонидан тайёрланган ипак маҳсулотларига катта қизиқиши билан қараб келганлар.

Республикамиз Президенти ва Ҳукумати томонидан пиллачилик соҳасига алоҳида эътибор қаратилаётганлиги, пилла етиштирувчи фермер хўжаликларга ипак қурти парваришлаш учун зарур бўлган моддий-техника ресурслари ҳамда жиҳозлар ўз вақтида ва тўлиқ етказиб берилганлиги, шунингдек пиллакорларни моддий манфаатдорлигини таъминланганлиги соҳадаги дастлабки ютуқларнинг энг асосий омиллари бўлиб келмоқда. Пиллакорлар олдиндан аванс маблағлари ва зарурий жиҳозлар билан таъминланмоқда.

Маблағлар корхоналарнинг уларга хизмат кўрсатувчи банклардаги махсус ҳисоб рақамлари орқали пиллакорларга бевосита меҳнат ҳақи сифатида етказиб берилмоқда. Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Республикадаги акциядорлик-тижорат банклари томонидан маблағларни ўз вақтида ва тўлиқ миқдорда пиллакорларга етказиб бериш, уларни нақд пул маблағлари билан таъминлаш бўйича амалга оширган ишлари диққатга сазовордир.

Республикамиз пиллакорларининг бу улкан зафарида жойлардаги маҳаллий ва давлат ҳокимият органлари, қишлоқ фуқаролик йиғинлари, пиллачиликка мутасадди бўлим, ташиқлот ва идоралар раҳбар ва мутахассисларининг муносиб ҳиссалари бор.

Шунингдек, пиллачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш мақсадида баҳор ойларида махсус янги тутзорлар барпо қилинмоқда.

Республикада пиллачиликни ривожлантириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини кўтариш мақсадида Республика Президентининг 2006 йил 15-ноябрдаги “Республика пиллачилик тармоғини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 512-сонли қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2008 йилнинг 10 декабрида тасдиқланган “2009 йилда пиллачиликни ривожлантириш ва унинг озуқа базасини мустаҳкамлаш, пиллачилик корхоналарини молиявий соғломлаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш Тартиби”даги **топириқлар ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.**

. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 15 ноябрдаги ПҚ-512-сон қарорига асосан 2009 йилда 420 минг 344 та қурт боқувчи звенолар билан 52 минг 514 та фермер хўжаликлари ўртасида ички меҳнат шартномалари тўлиқ тузилиб, уларга яқка қатор тут дарахтлари ва тутзорлар бириктириб берилди.

Ҳар йили кейинги йил пилла ҳосилига тайёргарлик, жумладан тирик пилла етиштириш юзасидан контракция-шартномалари тузиш, мавжуд тут қаторлари ва тутзорларга ишлов бериш, уларнинг зараркунандаларига қарши кураш, янги тутзорлар барпо қилиш ишлари давом эттирилади. Туманлар пилла қуритиш корхоналари ва фермер хўжаликлари ўртасида пилла етиштириш юзасидан контракция-шартномалари

тузиши, ўз навбатида эса ушбу пилла етиштирувчи фермер хўжаликлари пиллакорлар билан ўзаро ички меҳнат шартномалари тузиши ишларини амалга оширадilar.

Республика бўйича 3922 та инкубатория танланиб, улар таъмирдан чиқарилди ҳамда зарур ускуна ва жиҳозлар билан таъминланиб, уруғ тўкишига тайёр ҳолатга келтирилди. Бунда 447,7 минг қўти , 2008 йилда 445,7 минг қўти ипак қўрти уруғлари парваришиланди, унинг ярмидан кўпроги, яъни 54,3 фоизи “Ўзбекистон-5”, “Ўзбекистон-6”, “Ипакчи-1”, “Ипакчи-2” каби маҳаллий зот уруғлари бўлса, 45.7 фоизи хорижникидир. 2009 йилда қўрилган чоралар ва амалга оширилган саъйи-ҳаракатлар натижасида республика бўйича умумий қиймати қарийб 30,0 млрд сўм бўлган 23 минг 972,4 тонна тирик пилла етиштирилиб, унинг 87,6 фоизига тўлов амалга оширилди. Мавсумда ҳар қўти ипак қўртидан олинган тирик пилла ҳосили ўртача 53,5 килограммни ташиқил қилди. 2010 йил ҳосили учун 450,3 минг қўти, 60.4% ипак қўрти уруғлиги тайёрланган, бу борадаги ишлар давом эттирилмоқда.

Юртимизда 2009 йилнинг Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб эълон қилиниши, шу муносабат билан қабул қилинган Давлат дастурининг амалга оширилиши қишлоқларимиз қиёфасини замонавий архитектура ва саноат асосида тубдан ўзгартириши ва янгилаш, уй-жой, ижтимоий ва коммунал объектлар, коммуникацияларни барпо етиши бўйича узоқ муддатга мўлжалланган аниқ мақсадли ишларимизнинг бошланиши бўлди. Ушбу мақсадларга молиялашнинг барча манбалари ҳисобидан 2009 йилнинг ўзида 2 триллион 600 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди. Буларнинг барчаси қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини тубдан ошириши ва шаҳар шароитига яқинлаштиришига хизмат қилади.

1-боб. Республикада пиллачиликнинг аҳамияти ва ривожланиш асослари

1.1 Пиллачиликнинг миллий иқтисодиётдаги аҳамияти

Пиллачилик қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан бири бўлиб тўқимачилик саноатини хом ашё билан таъминлайди.

Миллий иқтисодиётнинг ривожланиши, аҳоли турмуш даражасининг ўсиши натижасида табиий ипақдан тўқилган турли маҳсулотларга бўлган талабнинг ортишига сабаб бўлмоқда.

Пиллачилик тармоғининг асосий маҳсулоти керакли даражада қуритилган пилладир. Пиллани қайта ишлаш жараёнида ип, ипдан эса ипақлик газламалар ишлаб чиқарилади. Бу ипақ газламалардан инсонлар учун ўта юмшоқ, силлиқ ва чидамли кийим-кечаклар тайёрланади. Пилла ипидан энг чиройли ва нафис атлас, шойи, духоба, гилам ва бошқа хил матолар тўқилади. Бир центнер хом-пилладан 100-150 метргача ипақ газлама тўқилади. Узок йиллар давомида улардан самолёт, космик кемаларга парашют, электр симларида изолятор, тиббиётда, жаррохликда тикиш ипи сифатида ва бошқа тармоқларда турли мақсадларда фойдаланиб келинган. Кейинчалик бу буюмлар кимёвий(сунъий) толалардан тайёрланиши туфайли ипақ ипи ва газламасидан асосан инсонлар истеъмоли учун фойдаланилмоқда. Қурт гўнги ўсимликчиликда органик ўғит, саноатда кислота олиш учун ишлатилади. Пиллани қайта ишлаш жараёнида ташкил топган куколкалар мўйна чорвачилигида қўшимча озуқа шаклида ишлатилади. Кўколканинг тўртдан бир қисми ёғ қолган қисми эса турли хил минерал моддалардан иборат.

Хом пилла ишлаб чиқаришида меҳнат ресурслари, банд бўлган бинолар ва бошқа ресурслар мавсумий фойдаланилади. Агар улар бир марта ташкил этилса 20-30 кун, икки марта ташкил этилса 40-60 кун фойдаланилади. Пиллачилик кўпчилик хўжаликларда қўшимча тармоқ сифатида ривожлантирилади.

Пиллачилик Хитойда мелоддан олдин 3 мингинчи йилларда, Ўзбекистонда эса мелоднинг 5–6 асрларидан бошлаб ривожланди. Пилла уруғини тайёрлаш ва бошқа жараёнларнинг оддий усулларда бажарилишига қарамасдан пилла ишлаб чиқариш ҳажми бўйича жаҳон мамлакатлари ичида етакчи ўринлардан бирини эгаллаган.

1913 йилда Ўзбекистонда 165,8 минг кути пилла уруғидан 3980 т. хом пилла ишлаб чиқарилган, ҳар бир кути уруғдан 24 кг ҳосил олинган, қуритилган пиллани қайта ишланганда 24% га яқин ипақ толаси олинган.

Ип ҳамда ипақли газламаларга талабнинг ошишини ҳисобга олиб пиллачиликни ривожлантириш чора-тадбирлари амалга оширилган яъни грензаводлар қурилган, сербаргли, серҳосил тут навлари экилган.

Қути уруғи сонини кўпайтириш ва унинг ҳосилдорлигини ошириш натижасида 1940 йилда 9833 т. ёки 1913 йилга нисбатан қарийб 2,5 марта кўп пилла ишлаб чиқарилди. Сўнгги тарихий даврларда ҳам пилла ишлаб чиқариш чора-тадбирлари амалга оширилди. 1990 йилга келиб 32,8 минг тонна ёки 1940 йилга нисбатан 3,3 марта, 1913 йилга нисбатан эса 8 мартадан кўпроқ пилла етиштирилди.

2007 йилда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 443613 қути ипак қурти парваришланиб 21466 тонна пилла хом ашёси етиштирилди. Пилла етиштириш юзасидан тайёрлов ташкилотлари 109600 та фермер хўжаликлари билан контрактация шартномалар, фермер хўжаликлари эса ўз навбатида 382917 та ипак қурти боқувчилар билан ички меҳнат шартномаларини туздилар ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши таъминланди.

Ҳар бир қути ипак қуртидан олинган пилла ҳосили ўртача 49,7кг ни ташкил қилиб, ўтган йилдагига нисбатан 2,6 кг га кўпайди ва бунинг натижасида пилла етиштирувчи фермер хўжаликлари 24 миллиард сўм даромадга эга бўлди..

2008 йилда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 445687 қути ипак қурти парваришланиб 23450,2 тонна пилла хом ашёси етиштирилди. Пилла етиштириш юзасидан тайёрлов ташкилотлари 98665 та фермер хўжаликлари билан контрактация шартномалар, фермер хўжаликлари эса ўз навбатида 402300 та ипак қурти боқувчилар билан ички меҳнат шартномаларини туздилар ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши таъминланди.

Ҳар бир қути ипак қуртидан олинган пилла ҳосили ўртача 52,6 кг ни ташкил қилиб, ўтган йилдагига нисбатан 2,9 кг га кўпайди ва бунинг натижасида пилла етиштирувчи фермер хўжаликлари 30,6 миллиард сўм даромадга эга бўлди.

2009 йилда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 447672 қути ипак қурти парваришланиб 23972,4 тонна тирик пилла етиштирилди. Пилла етиштириш юзасидан тайёрлов ташкилотлари 51783 та фермер хўжаликлари билан контрактация шартномалар, фермер хўжаликлари эса ўз навбатида 420344 меҳнат шартномаларини туздилар ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши таъминланди.

Ҳар бир қути ипак қуртидан олинган пилла ҳосили ўртача 53,5 кг ни ташкил қилиб, ўтган йилдагига нисбатан 0,9 кг га кўпайди ва бунинг натижасида пилла етиштирувчи фермер хўжаликлари 30 миллиард сўм даромадга эга бўлди. Пиллачиликнинг ривожланиши аграр тармоқнинг ривожланишига ва қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини кўтарилишига сабаб бўлмоқда.

Хорижий инвестициялар киритиш орқали тармоқнинг барча бўғинларида, яъни ипак хом ашёсини тайёрлаш, саноатда қайта ишлашдан бошлаб, то тайёр маҳсулотларни ишлаб

чиқаришгача, уларни реклама қилиш ва жаҳон бозорларига чиқаришгача иқтисодий салоҳиятни оширишга қаратилган амалий ишлар бажарилмоқда.

Ҳозирги кунда ипакчилик тармоғида 6 та кўшма корхона фаолият кўрсатиб, бу корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг 100 фоизи экспорт қилинмоқда. Тармоқда 1998 йилдан 2009 йилгача бўлган даврда товар маҳсулоти ҳажми 2,9 марта, экспорт миқдори эса 36,1 мартагача ошди.

Истиқболда пиллачиликни тиклаш ва уни янада кўпайтириш омилларида оқилона фойдаланиш энг муҳим вазифадир. Пилланинг сифати, маҳсулдорлиги ва ундан олинаётган хом пилланинг технологик кўрсаткичларини жаҳон талаблари даражасига кўтариш талаб этилади. Пилланинг сифати, маҳсулдорлиги ва ундан олинаётган хом пилланинг технологик кўрсаткичлари 1-жадвалда келтирилган.

-жадвал

Пилланинг сифати, маҳсулдорлиги ва ундан олинаётган хом пилланинг технологик кўрсаткичлари.

	Ўзбекистонда	Хитой, Японияда
Таёрланган пилланинг навли қисми (%) -	80-82	97-98
Жумладан биринчи навларга (%) -	40-45	95
Ипак чиқиш миқдори (%) -	32-33	42-44
Ипак узунлиги (м) -	350 -500	800-1000
Чуваланиш миқдори (%) -	70-75	80-85

1.2 Республикада пиллачиликни ривожлантириш асослари.

Республикада пиллачиликни ривожлантириш, пиллачилик ишлаб чиқариш самарадорлигини кўтариш мақсадида Республика Президентининг 1998 йил 30 мартдаги, Вазирлар маҳкамасининг 1998 йил 3 апрелдаги ва Республика Президентининг 2003 йил 22 декабрдаги “Республика пиллачилик соҳасини бошқаришни янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2000 йил 15 мартдаги “Пиллачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш ва ипакчилик маҳсулотларини етиштириш хажмларини кўпайтириш чора тадбирлари” тўғрисидаги фармон ва қарорлари, Республика Президентининг 2006 йил 15-ноябрдаги “Республика пиллачилик тармоғини янада ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 512-сонли қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2008 йилнинг 10 декабрида тасдиқланган “2009 йилда пиллачиликни ривожлантириш ва унинг озуқа базасини мустаҳкамлаш, пиллачилик корхоналарини молиявий соғломлаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш Тартиби”даги топшириқлар ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Бу пиллачиликни ривожлантириш асосларида пиллачиликни янада ривожлантириш чоралари аниқ кўрсатилган бўлиб, соҳанинг ривожлаишига катта имкониятлар яратилди.

Республикада Президентининг ташаббуси билан ҳукумат томонидан аграр тармоқ корхоналарида ипакчилик маҳсулотлари ҳажмини ва экспорт салмоғини ошириш борасида мақсадли ишлар амалга оширилмоқда. 2006-2010 йиллар мобайнида ипакчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, тармоқдаги корхоналарни замонавий техника ҳамда технологиялар билан қайта таъмирлаш ҳамда янги ишлаб чиқаришларни вужудга келтириш учун хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шарт-шароит яратиш, жаҳон бозорида рақобатбардош тайёр маҳсулотларнинг ҳажми ва турларини кенгайтириш, камида 70 фоизини экспорт қилишни таъминлашга қаратилган. 2006 йил 15 ноябрда ПҚ-512-сонли Президент Қарорига кўра ипакчилик тармоғидаги 14 та пиллакашлик ва 6 та шойи тўкиш корхоналари «Ўзбекенгилсаноат» Давлат акциядорлик компанияси таркибига киритилди. Бу корхоналарни рағбатлантириш мақсадида 2008 йил 1 январигача бўлган давр мобайнида республикада ишлаб чиқарилмайдиган, аҳоли эҳтиёжи учун хориждан келтириладиган 16 турдаги хом ашё, бўёқлар, химикатлар ва ёрдамчи материаллар учун божхона тўловларидан (божхонада расмийлаштириш йиғимидан ташқари) озод қилинади.

Тармоқни сифат жиҳатидан ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар ўз натижаларини бермоқда.

Ҳозирги кунда ипакчилик тармоғида 6 та кўшма корхона фаолият кўрсатиб, бу корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг 100 фоизи экспорт қилинмоқда. Тармоқда 1998 йилдан 2009 йилгача бўлган даврда товар маҳсулоти ҳажми 2,9 марта, экспорт миқдори эса 36,1 мартагача ошди.

Хорижий инвестициялар киритиш орқали тармоқнинг барча бўғинларида, яъни ипак хом ашёсини тайёрлаш, саноатда қайта ишлашдан бошлаб, то тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқаришгача, уларни реклама қилиш ва жаҳон бозорларига чиқаришгача иқтисодий салоҳиятни оширишга қаратилган амалий ишлар бажарилмоқда.

Корея Республикасининг Эскимбанки томонидан молиялаштирилган, қиймати 5,53 млн. АҚШ долларига тенг бўлган 4 та пиллакашлик корхоналари замонавий техника ва технологиялар билан қайта таъмирланди. Бунинг натижасида халқаро стандартлар талабига жавоб бера оладиган 3А синфига мос хом ипак ипини ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини 8 млн. АҚШ долларига ошириш имкониятини берди. Шундай корхоналардан бири Наманган шаҳрида бўлиб, унинг йиллик қуввати 197,7 тонна хом ипак ипини ишлаб чиқаришга тенг. Корхонага 1,8 млн. АҚШ доллари қийматига тенг дастгоҳлар ўрнатилган.

Ўзбекистон-Хитой Халқ Республикаси ҳамкорлигидаги «Бухоро -Хвашен» кўшма корхонасида йилига 3А синфига мос келадиган 180 тонна хом ипак ипи ишлаб чиқарилиб, унинг 100 фоизи экспорт қилинади.

Тармоқдаги ипак чиқиндиларини қайта ишлашга ихтисослашган «Тонмен», «Хадан», «Нур-бажаху» кўшма корхоналари маҳсулотлари ҳам экспорт қилинмоқда.

Бундан ташқари, Япониянинг «Марубени» ва «Канебо» фирмалари билан ҳамкорликда Наманган шаҳрида ташкил этилган «Силк Род» кўшма корхонасида йилига 150 тонна рақобатбардош ипак калаваси ишлаб чиқарилиб, уларнинг барчаси экспорт қилинади.

Ҳозирги кунда тармоқдаги шойи тўқиш корхоналарида ўрнатилган дастгоҳлар бугунги давр талабига мос келмайди. Ўрнатилган дастгоҳларнинг таҳлилига кўра, улар асосан, Россияда 1950-1970 йилларда ишлаб чиқарилган, 97,5 фоизи жисмонан ва маънавий эскирган дастгоҳлардан иборат бўлиб, фақат 95-100 см.лик энсиз матоларни ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Бу дастгоҳларнинг ўртача ёши 40 йилни ташкил этади.

Халқаро стандартларга биноан 180 см/дан кам бўлмаган энли, сифатли матоларни ишлаб чиқариш талаб қилинади, Бундан ташқари, тайёрланадиган матоларнинг таннархи арзон бўли-ши лозим. Бунинг учун юқори иш унумдорлигига эга бўлган дастгоҳлар ўрнатилиши керак,

Фикримизча, юқоридаги муаммоларни ҳал этиш учун бевосита хорижий инвестициялар шойи тўқиш корхоналарини қайта жиҳозлаш ва янги ишлаб чиқариш корхонапарини барпо этишга йўналтирилиши лозим.

Ҳозирги кунда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тассаруфидаги «Пилла» очик турдаги хиссадорлик жамиятларида вилоятлар бўйича ҳукумат дастурининг бажарилиши юзасидан самарали ишларни амалга ошириш истиқболли режалари тузилган. Жумладан, бунга янги тутзорларни барпо этиш, сермахсул пилла уруғларини етиштириш, тайёрланаётган пилла ҳажмини кўпайтиришга доир ишларни киритиш мумкин.

Пилла етиштирилиши эса, бу даврларда мос равишда 20230 т.дан 25000 т.гача кўпаяди. Юқоридаги вазифанинг бажарилиши, ипакчилик тармоғининг пилла хом ашёсига бўлган эҳти-ёжини қондиради.

Шойи тўқиш корхоналари иш тажрибасининг таҳлили шуни кўрсатадики, сифатли ва рақо-батбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун:

- шойи тўқишнинг барча технологик босқичларида корхона маҳсулот сифатини таъмин-ловчи замонавий, юқори иш унумдорлигига эга бўлган дастгоҳлар билан таъминланиши;

- халқаро стандартлар талабига жавоб бера оладиган, юқори сифатли хом ашё билан таъминланган бўлиши;

- малакали муҳандис-техник ходимлар ва замонавий дастгоҳларни бошқара оладиган ишчилар билан таъминланиши каби тадбирларни амалга ошириш лозим.

Юқоридаги муаммоларни ҳал этиш мақсадида, тармокдаги корхоналарга хорижий инвестицияларни жалб этиш орқали қайта модернизация қилиш дастури ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда.

Италиянинг «Джаминолла групп» фирмаси иштирокида Намангандаги «Атлас» х/ж модернизация қилинди. Бу лойиҳанинг қиймати 54 млн. еврони ташкил этиб, корхонанинг қуввати йилига 250 тонна эшилган ипак ипи ва 8,5 млн. метр тайёр ипак матосини ишлаб чиқаришга мўлжалланди.

Янги барпо этилган «Соланатекс» қўшма корхонасида йилига 1344 тонна пахта толасини қайта ишлаш ва 1245 тонна пахта калавасининг ишлаб чиқарилиши натижасида тармокни мато тўқиш учун калавага бўлган эҳтиёжини тўлалигича қондиради,

«Уэйлай групп» (Хитой) фирмасининг 5 млн. АҚШ долларлик бевосита киритилган инвестицияси натижасида Андижон вилоятида барпо этилган корхона пилла чиқиндиларини қайта ишлаш ва 1 млн. дона тайёр трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқаради. Ҳозирги кунда республикамизнинг ипакчилик тармоғи корхоналарининг маҳсулотлари Япония, Италия, Швейцария, Хитой, Ҳиндистон, Сингапур ва бошқа мамлакатларга экспорт қилинмоқда.

Ипакчилик тармоғида тайёрланадиган маҳсулотлар экспортининг таҳлили жадвалда келтирилган. Жадвал таҳлилига кўра, ипакчилик тармоғи бўйича 2008 йилда ҳаммаси бўлиб

22149,5 минг АҚШ доллари қийматига тенг бўлган маҳсулотлар экспорт қилинган. Бу кўрсаткич 2009 йилда 24950,0 минг АҚШ долларини ташкил этиб, 112,6 фоиз ўсиши режалаштирилган.

Экспорт қилинаётган маҳсулотларни 2008 йилдаги таркиби, асосан, экспорт хизматлари 46,1 фоиз, хом ипак ипи 42,0 фоизни ташкил қилган.

Бу кўрсаткич 2009 йилда хом ипак ипини 66,5 фоиз, ипак калавасини 12,3 фоиз навлар аралашмасидаги қуруқ пиллани 11,7 фоизи ташкил этиши режалаштирилган.

Таҳлил натижаларига қараганда, ҳозирги кунда тармоқда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг экспорти таркибини асосан хом ашёлар ташкил қилган. Тайёр маҳсулот бўлган ипак матолари ,2008 йилда экспорт қилинмаган, 2009 йилда эса фақатгина 93,5 минг АҚШ долларлик (0,4 фоиз) маҳсулотни экспорт қилиш режалаштирилган.

Тармоқнинг инвестицион жозибadorлигини ошириш борасида қуйилган вазифалар ва чора-тадбирларнинг ўз вақтида амалга оширилиши, ҳукумат қарорларининг изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилиши, ипакчилик соҳасининг ривожланишини юқори босқичга кўтариш ва ипакдан тайёрланган тайёр маҳсулотларни жаҳон бозорига олиб чиқишга замин яратади.

2боб. Фермер хўжаликларида пиллачилик ва унинг натижаларини таҳлили.

2.1 Фермер хўжаликларида ипак қуртини боқиш технологияси.

Мамлакатимизнинг ҳамма вилоятларида тут ипак қурти боқилиб, пилла таёрлаш режаси бажарилмоқда. Пиллачилик қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоқларидан бири бўлиб, пахтачилик билан жуда уйғунлашиб кетган. Тут дарахтлари ипак қурти учун озуқа манбаи бўлиши билан бирга пахтазорларни, ғўзаларни гармсел ва бошқа таъсирлардан ҳимоялайди, суғориш каналларининг қирғоқларини мустаҳкамлайди. Қишлоқ хўжалигида фермер хўжалиklarини шаклланиши пиллачиликни ривожланиш имкониятларини яратди.

Пилла етиштириш юзасидан тайёрлов ташкилотлари фермер хўжаликлари билан контрактация шартномалари, фермер хўжаликлари эса ўз навбатида ипак қурти боқувчилар билан ички меҳнат шартномаларини тузадилар ва шартнома мажбуриятларининг бажарилишида хайрихоҳ бўлиб келмоқдалар.

Ҳар бир хўжалик ва қурт боқувчи имкониятидан келиб чиққан ҳолда боқиладиган қурт миқдори ва етиштириб бериладиган пилла миқдори юзасидан шартнома тузади. Бунда энг асосан қурт боқиш учун яроқли бинолар, ишчи кучи, озуқа манбаи ва олинган ҳосилга ҳақ тўлашни эътиборга олиш керак.

Пилланинг етилиши жуда мураккаб жараён. Унинг уруғи саноат технологияси асосида олинади ва ривожлантирилади. 20-30 кун ичида қуртнинг оғирлиги 10-14 марта кўпаяди. Бунинг учун қурт яшил тут барги билан интенсив озиклантирилади. Қуртлар 1-2 ёшида ҳар 2-3 соатда, 3-4 ёшда – ҳар 3-4 соатда, 5 ёшида эса – ҳар 4-5 соатда такрор озиклантирилади. Бир грамм пилла уруғи 20-30 кун ўсиш даврида 50-60 кг яшил барг истеъмол қилади ва 3-4 кг хом пиллага айланади. 1кг пилла ишлаб чиқариш учун 15-17 кг барг сарфланади.

Қурт боқиш мавсумига тайёргарлик кўриш, қурт тухумини жонлантириш ва жонланган қуртларни боқиш учун яроқли биноларни танлашдан бошланади. Чунки тут ипак қурти совуққонли ҳашаротлар синфига мансубдир. Шунинг учун (уларни яхши ривожланиши учун мўътадил ҳарорат, намлик, ҳаво ҳаракати ва ёруғликни таъминловчи бинолар керак. Қурт боқиш учун фойдаланадиган хоналар қуртхоналар деб аталади.

Фермер хўжаликларида пилла етиштириш мавсуми баҳор ойларига тўғри келади. Баҳорги қурт боқиш мавсумининг муваффақиятли ўтказиш учун тайёргарлик ишларини эртароқ бошлаш талаб этилади.

Фермернинг қурт боқиш мавсумига тайёргарлик ишлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Инкубатор хона ва қуртхоналар учун яроқли биноларни танлаш ва уни таъмирлаш.
2. Керакли асбоб-анжомларни тайёрлаб қўйиш

3. Қурт боқувчиларни аниқлаш.
4. Қурт боқувчилар билан шартномалар тузиш,
5. Инкубатория ва қурт боқиладиган хоналарни ҳамда асбоб-анжомларни зарарсизлантириш (дезинфекция қилиш).
6. Тўтзор ва якка қаторлаб экилган тутларни парвариш қилиш.

Агротехника қоидаларига тўлиқ риоя қилган ҳолда қурт боқиш учун керакли ҳарорат, намлик, ҳаво ҳаракати ва ёруғликни фақат махсус қуртхоналарда яратиш мумкин. Лекин ҳозирги кунда махсус қуртхоналарни қуриш учун шарт-шароитлар йўқ чунки, улар қимматга тушади. Шунинг учун қурт боқишда турли хўжалик бинолари (жамоат бинолари, молхона, сарой, айвон, клублар, идоралар ва хоказо) ва уйлардан фойдаланилади.

Пиллакорлар қурт боқиш шароити ва қуртхоналарни такомиллаштириб борганлар.

Натижада қуртхона учун лойдан, пахсадан, ғиштдан ясалган қалин деворли биноларда қурт боқишга ўтилган. Бу биноларда, иссиқ кунларда ҳам 24-27° даражадаги ҳарорат ва керакли намликни сақлаш мумкин. Баъзида олдинги томони тўсилган айвон ҳамда бостирмалардан ҳам катта ёшдаги қуртларни боқиш учун фойдаланиб келинмоқда.

Фермер хўжаликларда пиллачиликни ривожлантириш, ипак қуртларидан олинадиган пилла ҳосили ва сифа-тини янада ошириш мақсадида қуртларни махсус қуртхоналарда боқишга ўтиш ва замонавий қуртхоналар қуришга эътибор берилмоқда.

Махсус қуртхоналардан нафақат қурт боқиш даврида, балки пиллаларни йиғиштириб олгач, маҳсулотларни сақлаш, чорва молларини боқиш, пахтани қуриштириш ва дон маҳсулотларини сақлашда кенг кўламда фойдаланиш мумкин. Махсус қуртхоналарда қурт боқиш учун хоналар, барг тайёрлаш ва сақлаш, пилла ўраш ҳамда навларга ажратиш, қурт боқишда ишлатиладиган асбоб-анжомларни сақлаш, дам олиш ва бошқа хоналар бўлиши мумкин.

Қурт боқиш мавсуми қисқа муддатда 26-30 кунда ўтиши муносабати билан, қурт боқишга тайёргарлик кўриш ишларини бир неча кун олдин бажариб қўйиш керак.

Ҳар бир хўжаликда қурт боқиш мавсумига тайёргарлик кўриш, боқиладиган қуртларнинг миқдорини аниқлаш, биноларни танлаш ва уларни мослаштириш, таъмирлаш, оқлаш, қурт боқиш учун ишлатиладиган асбоб-анжомларни тайёрлаш, ювиш, ўрнатиш ҳамда қуртхонани асбоб-анжомлари билан бирга дезинфекциялашдан иборат.

Биноларни танлашда, ҳар бир бинода нечта этажерка ва уни неча қаватли қилиб ўрнатиш мумкинлиги ва қурт боқиш майдони қанча бўлишини аниқлаш зарур.

Биноларни танлашда даставвал хўжаликдаги катта биноларни: молхона, отхона, сарой ва бошқа хўжалик биноларни танлаш керак. Чунки бундай биноларда қурт

боқилганда меҳнат харажати кам, ишни ташкил этиш қулай бўлиб ишчи кучини тежаш ва юқори ҳосил олишни таъминлайди.

Қурт боқиш учун керакли биноларнинг сони, биноларда этажеркаларни жойлаштириш ва этажеркадаги қават сонига боғлиқ.

Норматив бўйича учинчи ёшдаги қуртларни боқиш учун 80м² га яқин қурт боқиш майдони талаб этилади, бешинчи ёшида эса 360-370 м², (бир қаватли этажеркада боқилганда) озиқаланиш майдони зарур бўлади. Этажеркаларни жойлаштиришда қурт боқувчилар учун бинода йўлакларни ҳисобга олиш керак. Бинонинг ўртача 30-35% қўшимча майдон учун қолдирилади. Шунинг учун бинонинг қурт боқиш майдонини аниқлашда 65-70% қурт боқиш, яъни озиқлантириш майдони ва 30-35% қўшимча майдонга ажратилган ҳолда аниқланади. Қўшимча майдон қуртларга. барг бериш, ҳароратни ў.т.чаш, печка ўрнатиш, стол-стул қўйиш ва бошқа зарурий мақсадлар учун фойдаланилади. Қурт боқиладиган хоналарни таъмирлашда тегишли иситиш қурилмалари, эшик ва деразалар бўлишига алоҳида эътибор бериш лозим. Қуртхонанинг деворлари яхшилаб сувалиши, агарда молхона ёки отхона бўлса поли тозаланиб, устига қум ёки тоза ту-проқ (10-15 см) солинади, агарда шамоллатиш тешик бўлмаса, тешик қўйиш ва сўндирилган охак билан оқлаш зарур. Агарда бинонинг поли тахтадан бўлса, уни тешикларини ёпиш-беркитиш керак. Оқлаш учун 1м² га 200г охак ишлатилади. Шу билан биргаликда зски ишлатилган этажеркалар ҳам таъмирланади.

Таъмирлаш ишлари билан бир вақтда тегишли асбоб-анжомлар, ёкилғи, турди ўлчов асбобларини хўжаликка келтириб қўйиш, мав-жуд бўлганларини кўздан кечириб, бузулганларини таъмирлаш ке-рак.

Қурт боқиладиган барча хоналарни ҳисобга олган ҳолда, термометр ва психрометрлар, керакли миқдорда зарарсизлантирувчи моддалар, тешик қурт кўтаргич ва тўшама қоғозлар келтириб қўйиш зарур.

Оқлаш ва таъмирлаш ишлари тугагандан кейин, барча дераза, эшик, қурт боқишда ишлатиладиган асбоб-анжомлар совунли сувда ювилиб, қуригилади, кейин қуртхона атрофи ахлатлардан тозаланиб, барчаси дезинфекцияланади,

. Дезинфекция-юқумли касалликлар қўзғатувчи микроорганизмларни турли бинолар,. зарурий жойлар ва ташқи муҳитнинг турли субстрактларида йўқотиш усули ва воситасидир.

Пиллачиликда дезинфекция ипак қурти касалликларига қарши курашишда асосий восита ҳисобланади. Ипак қурти касалликларини қўзғатувчи патоген микроблар дезинфекция ёрдамида зарарсизлантирилади.

Қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг ирсиятида мужассам бўлган юқори маҳсулдорлик хусусиятларини рўёбга чиқаришда озуканинг катта аҳамияти бор.

Ипак қурти озуканининг таркибига асосан қуйидаги кимёвий элементлар: углевод, кислород, водород ва азотлар кириб, булар икки: неорганик ва органик гуруҳларга бўлинади.

Ҳамма ўсимлик ва ҳавон тўқималари сув ва қуруқ моддадан ташкил топган. Қуруқ моддалар органик модда ва кулдан иборат. Органик модда таркибига турли азотли ва азотсиз бирикмалар киради. Азотлиларга оксиллар ва азотли бирикмали оксилсиз характердаги бирикмалардан ташкил топган. Азотсиз бирикмаларга углевод ва ёғлар киради.

Тут баргининг озукали сифати ҳар хил бўлиб, у дарахтининг нави, жинси, ёши, ўсиш шароитларига боғлиқ.

Баргнинг озукали сифати уни ипак қурти томонидан ейилиши ва ҳазм қилиш даражаси ҳамда пировард натижада ипак массасини ҳосил қилиш миқдори билан белгиданади.

Бинобарин, баргнинг озиклик сифати билан уни истеъмол қилган қурт ўраган пилла массаси ва ипак миқдори ўртасида узвий муносабат алоқадорлик мавжуд. Барг сифати мураккаб тушунча бўлиб, у баргнинг физик хоссалари ва таркибидаги кимёвий элементларнинг миқдоригагина эмас, балки сифати ҳамда уларнинг ўзаро нисбатига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Баргнинг озиклик қиймати 3 хил усулда: биологик, яъни қурт боқиш орқали, кимёвий-барг таркибидаги элементларни аниқлаш, физикавий-баргнинг физик хоссаларни белгилаш орқали аниқланади

Қуртлар эркак дарахтларнинг барги билан боқилганда, қуртлик даврининг давомати 1 кунга қисқарган. Ипак қуртлари кичик ёшларда урғочи дарахтнинг барглари, катта ёшларида эркак дарахтининг барги билан боқилганда яхши натижаларга олиб келади. Баргнинг озиклик сифати тут дарахтининг навларига боғлиқ .

Навдор тут барглари билан боқилган қуртлар ҳаётчанлиги 1,1-3,4 фоизга, пилла оғирлиги 0,5грамга, навли пиллаларнинг миқдори 8,5 фоизга ,ипак қобиғининг ўртача вазнини 30% га ортиб, қуртлик даври 1,5 кунга қисқарган.

Баргнинг ейилиши қуртнинг ёши, барг хусусияти ва миқдори, қуртхонанинг ҳарорати ва намлигига боғлиқ бўлади.

Ипак қурти бешинчи ёшда 20грамгача барг ейди. Ёшларининг биринчи охири кунларида кам барг ейди, асосан ёшининг ўрталарида баргни кўп ейди.

Агротехника қондасига асосан бир қути ипак қуртлари учун жами 1000-1200 кг барг сарфланади.

Қишлоқ хўжалик ҳайвонларнинг маҳсулдорлик даражаси уларнинг озуқа билан таъминланишига боғлиқ. Маҳсулдорлиги юқори бўлган ҳайвонлар ҳам озуқа танқислигида ўз маҳсулдорлигини пасайтириб юборади.

Қуртларни 50 фоизли меъёрида озиклантирганда, қурт боқиш даврининг давомати 3 кунга чўзилган, ҳаётчанлиги 22,2фоизга, навдор пиллалар миқдори -8,9 фоизга, пилласининг ўртача оғирлиги 0,55г, пилла қобиғи вазни 152 мг га ва пиллалар ипакчанлиги 1,6 фоизга камайган.(3-жадвал яшил 50-бет)

Тут барги-нинг тўйимлилиги қурт организмида ҳазм бўлувчи ва сингувчи озуқа моддаларнинг баргдаги миқдори ва нисбатига боғлиқ. Бу кўрсаткич тутларнинг турли хил навларида турлича бўлиб тут дарахтининг ёши ўсиш шароитига боғлиқ.

Ейилган ҳамма озуқани организм ҳазм қилмайди..

Организмда ҳазм бўлмаган азотли моддалар нажосат /тезак-эксскримент/ кўринишда ташқарига чиқаради.

Озуқани сингишини аниқлаш учун қуртнинг ҳар бир ёш давомида ичагига тушаётган озуқа миқдори ҳамда шу даврда чиқарган нажосат (тезак) миқдорини нисбати билан аниқланади. Биринчи тўрт ёшларида ипак қуртлари еган озуқасини учдан икки қисмини сингдиради, бешинчи ёшида эса ярмини ҳазм қилади. Қурт ёшлари катталашган сари ҳазм бўлиши пасаяди, чунки катта қуртлар барг япроқчаларини каттароқ узиб олиб, ичакда яхши майдаланмайди.

Озуқанинг таркибидаги оксилни ўртача 62 фоизи, ёғларни 59%, углеводларнинг 40% танага сингади. Урғочи ипак қуртлари эркак қуртларга нисбатан 20% кўп овқат ейди ва ҳазм қилади.

Тут баргларини қуртлар томонидан ейилиши барг таркибидаги кул моддалари миқдорига ҳам боғлиқ. Кул моддалари қанчалик кўп бўлса, тут барги шунчалик тез қотади ва ейиш учун ноқулайдир.

Тут баргининг тўйимлилиги тут наваларидан баргларини жойланишига ҳам боғлиқ.

Навданинг юқори қисмдати ёш баргларда оксил моддалар ва азотли моддалар кўп бўлади.

Ёш барглар билан қуртлар боқилганда ейилиши, ҳазм бўлиш ва сингиш жараёнлари тезлашади.

Тут ипак қуртларидан юқори ҳосил олиш гарови навдор ва тўйимли тут дарахтларининг барглари билан боқишдир.

2.2 Фермер хўжаликларида пиллачилик самарадорлиги .

Пиллачилик кўпчилик фермер хўжаликларида кўшимча тармоқ сифатида ривожлантирилади.

Республикамиз Президенти ва Ҳукумати томонидан пиллачилик соҳасига алоҳида эътибор қаратилаётганлиги, пилла етиштирувчи фермер хўжаликларга ипак қурти парваришlash учун зарур бўлган моддий-техника ресурслари ҳамда жиҳозлар ўз вақтида ва тўлиқ етказиб берилганлиги, шунингдек пиллакорларни моддий манфаатдорлигини таъминланганлиги соҳадаги дастлабки ютуқларнинг энг асосий омиллари бўлди. 2009йил мавсумда пиллакорларга олдиндан 17,6 млрд сўм аванс маблағлари берилди. Жумладан 9,1 млрд сўм пул маблағлари, 8,5 млрд сўмлик зарурий жиҳозлар (уруғлик, қоғоз, формалин, термометр, психрометр, ва бошқалар) билан таъминланди.

Маблағлар корхоналарнинг уларга хизмат кўрсатувчи банклардаги махсус ҳисоб рақамлари орқали пиллакорларга бевосита меҳнат ҳақи сифатида етказиб берилди. Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Республикамиздаги акциядорлик-тижорат банклари томонидан маблағларни ўз вақтида ва тўлиқ миқдорда пиллакорларга етказиб бериш, уларни нақд пул маблағлари билан таъминлаш бўйича амалга оширган ишлари диққатга сазовордир.

Республикамиз пиллакорларининг бу улкан зафарида жойлардаги маҳаллий ва давлат ҳокимият органлари, қишлоқ фуқаролик йиғинлари, пиллачиликка мутасадди бўлим, ташкилот ва идоралар раҳбар ва мутахассисларининг муносиб ҳиссалари бор.

2007йилда йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 15-ноябрдаги «Республикада пиллачилик тармоғини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-512-сонли қарори га мувофиқ тайёрлов корхоналари билан фермер хўжаликлари ўртасида пилла хом ашёси етиштириш юзасидан контрактация шартномалари тузилди ва тўлиқ рўйхатдан ўтказилди ва Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 443613 қути ипак қурти парваришланиб 21466тонна пилла хом ашёси етиштирилди.

Пилла етиштириш юзасидан тайёрлов ташкилотлари 109600 та фермер хўжаликлари билан контрактация шартномалар, фермер хўжаликлари эса ўз навбатида 382917 та ипак қурти боқувчилар билан ички меҳнат шартномаларини туздилар ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши таъминланди.

Ҳар бир қути ипак қуртидан олинган пилла ҳосили ўртача 49,7кг ни ташкил қилиб, ўтган йилдагига нисбатан 2,6 кг га кўпайди. Бир қути ипак қуртидан Бухоро вилоятида 56,8 кг, Хоразм вилоятида 55,9 кг ва Навоий вилоятида 55,0 кг дан пилла ҳосили олинди.

Биринчилар қаторида пилла етиштириш юзасидан шартнома мажбуриятларини ошириб бажарган, Бухоро, Сурхондарё, Навоий, Қашқадарё, шунингдек Жиззах, Сирдарё, Самарқанд, Тошкент, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси пиллакорлари мамлакатимиз пилла хирмониға муносиб ҳисса кўшдилар.

Пилла етиштирувчи фермер хўжалиқларининг жами даромади 24млрд. сўмни ташкил қилиб, бу 2006 йилга нисбатан кўпайди.

Айниқса, Бухоро вилоятининг Ромитан, Когон, Жондор, Сурхондарё вилоятининг Жаркўрғон ва Денов, Навоий вилоятининг Қизилтепа, Хатирчи, Қашқадарё вилоятининг Косон, Қарши, Жиззах вилоятининг Дўстлик, Пахтакор, Самарқанд вилоятининг Нарпай, Иштихон, Сирдарё вилоятининг Оқолтин, Сардоба, Тошкент вилоятининг Бўка, Юқоричирчиқ, Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё ва Хоразм вилоятининг Гурлан ва Хонқа туманлари пиллакорларининг мўл пилла ҳосили етиштириб, пилла хирмониға кўшган хиссасини алоҳида қайд этиш лозим. Бу туманларда ҳар бир қути ипак қуртидан олинган пилла ҳосили 55-65 кг ни ташкил қилди.

2008 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 15-ноябрдаги «Республикада пиллачилик тармоғини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-512-сонли қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 8 ноябрдаги йиғилиши қарорига мувофиқ тайёрлов корхоналари билан фермер хўжалиқлари ўртасида 2008 йилда 23430 тонна пилла хом ашёси етиштириш юзасидан контрактация шартномалари тузилди ва тўлиқ рўйхатдан ўтказилди ва Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 445687 қути ипак қурти парваришланиб 23450,2 тонна пилла хом ашёси етиштирилди.

Пилла етиштириш юзасидан тайёрлов ташкилотлари 98665 та фермер хўжалиқлари билан контрактация шартномалар, фермер хўжалиқлари эса ўз навбатида 402300 та ипак қурти боқувчилар билан ички меҳнат шартномаларини туздилар ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши таъминланди.

Ҳар бир қути ипак қуртидан олинган пилла ҳосили ўртача 52,6 кг ни ташкил қилиб, ўтган йилдагига нисбатан 2,9 кг га кўпайди. Бир қути ипак қуртидан Бухоро вилоятида 56,8 кг, Хоразм вилоятида 55,9 кг ва Навоий вилоятида 55,0 кг дан пилла ҳосили олинди.

Биринчилар қаторида пилла етиштириш юзасидан шартнома мажбуриятларини ошириб бажарган, Бухоро, Сурхондарё, Навоий, Қашқадарё, шунингдек Жиззах, Сирдарё, Самарқанд, Тошкент, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси пиллакорлари мамлакатимиз пилла хирмониға муносиб ҳисса кўшдилар.

Пилла етиштирувчи фермер хўжалиқларининг жами даромади 30,6 млрд. сўмни ташкил қилиб, бу 2007 йилга нисбатан 6,6 млрд. сўмга кўпайди.

Айниқса, Бухоро вилоятининг Ромитан, Когон, Жондор, Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон ва Денов, Навоий вилоятининг Қизилтепа, Хатирчи, Қашқадарё вилоятининг Косон, Қарши, Жиззах вилоятининг Дўстлик, Пахтакор, Самарқанд вилоятининг Нарпай, Иштихон, Сирдарё вилоятининг Оқолтин, Сардоба, Тошкент вилоятининг Бўка, Юқоричирчик, Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё ва Хоразм вилоятининг Гурлан ва Хонқа туманлари пиллакорларининг мўл пилла ҳосили етиштириб, пилла хирмонига кўшган хиссасини алоҳида қайд этиш лозим. Бу туманларда ҳар бир кути ипак куртидан олинган пилла ҳосили 55-65 кг ни ташкил қилди. 2009 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 15-ноябрдаги “Республика пиллачилик тармоғини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 512-сонли қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2008 йилнинг 10 декабрида тасдиқланган “2009 йилда пиллачиликни ривожлантириш ва унинг озуқа базасини мустаҳкамлаш, пиллачилик корхоналарини молиявий соғломлаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш Тартиби”даги топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида 23700 тонна тирик пилла етиштириш юзасидан туманлар пилла қуришиш корхоналари ва фермер хўжаликлари ўртасида контрактация–шартномалари тузилди ва белгиланган тартибда тегишли ташкилотлардан рўйхатдан ўтказилди.

2009 йилда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 447672 кути ипак курти парваришланиб 23972,4 тонна тирик пилла етиштирилди. Пилла етиштириш юзасидан тайёрлов ташкилотлари 51783 та фермер хўжаликлари билан контрактация шартномалар, фермер хўжаликлари эса ўз навбатида 420344 меҳнат шартномаларини туздилар ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши таъминланди.

Ҳар бир кути ипак куртидан олинган пилла ҳосили ўртача 53,5 кг ни ташкил қилиб, ўтган йилдагига нисбатан 0,9 кг га кўпайди. Бир кути ипак куртидан Бухоро вилоятида 57,7 кг, Фарғона вилоятида 56,9 кг, Сурхондарё вилоятида 55,6 кг, Хоразм вилоятида 55,6 кг ва Навоий вилоятида 55,2 кг дан пилла ҳосили олинди. Биринчилар қаторида пилла етиштириш юзасидан шартнома мажбуриятларини ошириб бажарган, Сурхондарё, Бухоро, Навоий, Қашқадарё, шунингдек Жиззах, Сирдарё, Самарқанд, Тошкент, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси пиллакорлари мамлакатимиз пилла хирмонига муносиб ҳисса кўшдилар.

Айниқса, Бухоро вилоятининг Ромитан ва Жондор, Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон ва Денов, Навоий вилоятининг Қизилтепа ва Хатирчи, Қашқадарё вилоятининг Косон ва Қарши, Жиззах вилоятининг Дўстлик ва Пахтакор, Самарқанд вилоятининг Нарпай ва Иштихон, Сирдарё вилоятининг Оқолтин ва Сардоба, Тошкент вилоятининг Ўртачирчик ва Оққўрғон, Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё ва Беруний,

Хоразм вилоятининг Хазарасп ва Боғот туманлари пиллакорларининг мўл пилла ҳосили етиштириб, пилла хирмонига қўшган хиссасини алоҳида қайд этиш лозим. Бу туманларда ҳар бир қути ипак қуртидан олинган пилла ҳосили 55-65 кг ни ташкил қилди. Пилла етиштирувчи фермер хўжаликларининг жами даромади 30млрд. сўмни ташкил қилди. (-жадвал)

Фермер хўжаликларида пиллачилик ишлаб чиқариш самарадорлигига бир қатор омиллар таъсир этади. Бу ташкилий, иқтисодий, технологик ҳамда табиий, экологик омилларга бўлинади ва уларнинг биргаликдаги таъсири пиллачилик ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлайди.

Ташкилий омилларга: фермер хўжалигида ишлаб чиқаришнинг пиллачиликка ихтисослашиш даражаси: меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантириш механизмининг тўғри йўлга қўйилганлиги; фермерларни пиллачилик моддий – техника ресурслари билан таъминлаш ва уларга сервис хизмати кўрсатиш даражаси; фермер хўжаликлари фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш; фермерларнинг пиллачилик бўйича билим ва малакаси;

Иқтисодий омиллар: фермер хўжаликлари томонидан етиштирилаётган пилланинг баҳолари; ишлаб чиқариш учун зарур бўладиган моддий – техника ресурсларининг баҳолари; молия – кредит ресурслари билан таъминланиш ҳолати; давлат томонидан иқтисодий қўллаб – қувватлаш.

Технологик омиллар: юқори ҳосилли пилла уруғи билан таъминланганлик даражаси; ишлаб чиқаришнинг механизациялашганлик даражаси; ишлаб чиқаришнинг янги, тежамли технологияларини қўллаш.

Фермер хўжалигида меҳнат сарфини ҳисобга олиш имкони йўқ. чунки фермер ва унинг оила аъзолари юқори даромад олиш мақсадида жуда кўп меҳнат сарфлайдилар ва бу ҳар доим ҳам ҳисоб – китоб қилинмайди. Шуларни ҳисобга олган ҳолда фермер хўжалиги фаолияти самарадорлигида фермер хўжалигида етиштирилаётга ҳар бир маҳсулот самарадорлиги кўрсаткичини асос қилиб олиш мақсадга мувофиқ.

Юқорида санаб ўтилган ташкилий, иқтисодий, технологик ҳамда табиий, экологик омиллар ва уларнинг биргаликдаги таъсири ишлаб чиқариш самарадорлигини оширса, шу билан бирга фермер хўжалигида пиллачилик фаолияти шаклланса фермер хўжалиги иқтисодий самарадорлиги яна ҳам кўтарилади.

Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани “ Қорасув ” фермерлар уюшмаси фермерларининг пиллачилик иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил қилиб,

ўрганиш натижаларини – жадвалда келтирдик.Рентабеллик даражаси хўжаликларда 17-20 фоизга тенг.Илғор фермер хўжаликларининг тажрибасига кўра пиллачиликнинг ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигини ошириш имкониятлари республикада мавжуд бўлиб, пиллачиликни энг рентабелли тармоқлардан бирига айлантиришга ҳаракат қилиш талаб этилади.

Фермер хўжалигида пиллачиликнинг ишлаб чиқариш самарадорлик натижалари , яъни бир қути қуртдан келадиган самарадорликнинг таҳлил натижалари қуйидагича олиб борилди. .Етиштирилган пилла маҳсулотини ишлаб чиқариш таннархи таркибига кирувчи харажатлар:

- фармолин(40%) -35000 сўм х 0,5 =17500сўм;
- қоғоз бир қутига - 3 килограм –5000 сўм
- термометр, психрометр -17500 сўм;
- 900- 1000 килограм соф тут барги;
- бир қути уруғ – 10000 сўм;
- иш хақи –25000 сўм ;
- бошқа ҳаражатлар -10000сўм.

Бир қути қурт учун 60 метр кватрат озикланиш майдони ва 18 метр кватрат қўшимча майдон керак бўлади.

Фермер хўжалигида етиштирилган пилла биринчи навларга топширилган.Бир қути қуртдан 56 килограм тирик пилла топширилган. Бир килограм тирик пилланинг харид нархи 1784 сўм бўлиб , фермер хўжалигига бир қути қуртдан 99904 сўм пул тушуми бўлган. Бир қути қуртдан 56 килограм тирик пилла топшириш учун фермер хўжалиги энг камида 85000 сўм сарф харажат қилади.Бу ҳолатда фермер хўжалиги бир қути қуртдан 56 килограм тирик пилла топшириб,14904 сўм фойда олиб, рентабеллк даражаси 17 фоизга тенг бўлган.(жадвал)

Мўл ва сифатли пилла ҳосили етиштириш кўп жиҳатдан ипак қурти тухумларини инкубацияга кўйиш ва қурт боқиш муддатларини аниқ белгилашга боғлиқ. Агар тухумлар жуда эрта жонлантирилиб, қурт боқиш бошланса, қуртлар бешинчи ёшга етиб, айти даҳага кирганда барг танқислиги рўй бериши мумкин.

Оқибатда кўплаб қуртлар баргга тўймайди ва ипак қобиғи юпқа, сифати паст пиллалар кўпайиб кетиши мумкин. Қурт боқиш ҳаддан ташқари эрта бошланганда кўпгина қуртлар пилла ўрамай, ғонадан тўкилиб кетади. Қурт боқиш кечикиб кетганда эса қуртнинг ривожланиши баргларнинг ўсишидан орқадан қолади, яъни тут барглари қотиб, тўйимлилиги пасаяди, қуртнинг мўътадил ўсишига ёмон таъсир кўрсатади. Бундан

ташқари қурт боқиш муддати кечикиб бошланганда қуртнинг бешинчи ёшига келиб кунлар ҳаддан ташқари исиб кетади. Бу омиллар пилланинг майда бўлиб қолишига ва ҳосилнинг камайишига олиб келади.

Тухумларни инкубацияга қўйиш ва қурт тарқатиш муддатлари тут новдаларида баргнинг ўсишига қараб белгиланади. Тухумларни инкубацияга қўйиш тут новдаларида ўртача 1—2 дона барг шаклланганида бошлангани маъқул.

Ипак қуртини дурагай тухумларини тайёрловчи заводлардан келтирилган тухумлар кассеталари билан инкубаторийга жойлаштирилади. Тухумлар кассеталардан (кутилардан) қоғоз қутичаларга 29 ёки 58 граммдан қилиб тўкилади. Тухумларни тўкишдан аввал қоғоз қутичага тухумнинг зоти ёки дурагайнинг номи, партия номери, уруғ заводининг номи, тухумнинг оғирлиги, тухум тўкилган кун ёзиб қўйилади.

Тухумлар икки ҳарорат режимида инкубация қилинади:

1. Доимий ҳароратдаги режими.

2. Аста-секин ҳароратни ошириш режими.

Доимий ҳарорат режимида инкубация қилинганда тухумлар икки сутка давомида 12—14оС да, учинчи кундан бошлаб сутка давомида ҳарорат 24оС га кўтарилиб, «хабарчи» қуртлар чикқунча ушлаб турилади. Дастлабки «хабарчи» қуртлар кўрина бошлагач, ҳарорат 25оС га кўтарилади.

Жинси бўйича бошқариладиган ва майда пилла ўрайдиган зотларнинг тухумларини эса 25—26оС да жонлантириш яхши натижа беради.

Ҳароратни аста-секин кўтариб бориш усулида инкубация қилиш баҳор салқин келганда, ҳаво кескин ўзгариши оқибатида совуқ тушганида, тут новдаларида баргнинг ўсиши секинлашганда қўлланилади. Бу усулда инкубация қилишда тухум тўкила бошлаши билан ҳарорат 12—14оС дан ҳар сутка давомида 1—2оС га кўтариб борилади.

Ипак қурти тухумларининг жонланишига ҳарорат билан бир қаторда ҳавонинг нисбий намлиги ҳам таъсир этади. Инкубация даврида инкубаторий ҳавосининг нисбий намлиги 75—80 фоиз бўлгани маъқул. Бунга (70—75%) турли маркали ҳаво намлагич ёки тоза сувда ҳўлланган чойшаб, шолчаларни сўкчак ёки инкубаторий деворларига тортиб қўйиб, улардан буғланган намлик ҳисобига эришилади.

Ҳаво нисбий намлигини мўътадил даражада бўлишини муттасил назорат қилиб туриш керак. Ҳавонинг нисбий намлиги ошиб кетса, қуртлар тез ва ёппасига жонланади, лекин қуртлар касалликка берилувчан бўлади.

Ипак қурти тухумидаги эмбрионнинг ривожланишига ёруғлик режими кучли таъсир этмайди. Шунга қарамасдан иш жараёнида инкубаторий сутка давомида 16—18 соат ёритилиши керак.

Эмбрион ўзининг ўсиш ва ривожланиш жараёнларида кислородни ўзлаштириб, карбонат ангидридни чиқаради. Инкубация хонасида 100 кути тухум жонлантириладиган бўлса, улардаги 4,5—5 миллион эмбриондан анчагина карбонат ангидрид гази ажралиб чиқади. Бу газни инкубаторийда тўпланиб қолиши эмбрионларнинг ривожланиши учун хавфлидир. Ортиқча зарарли газни чиқариб юбориш учун ҳар 2—3 соатда 10—15 минут давомида эшик ва деразаларни очиб, инкубаторий хоналарини шамоллатиб туриш тавсия этилади.

Инкубация ишларини ташкил қилиш ва амалга оширишда қуйидагиларга эътибор қаратиш зарур:

- тухумларни сатҳи ва ҳажми жиҳатидан инкубация талабларига жавоб бермайдиган биноларда жонлантиришга қўймаслик;

- инкубаторийга бу ишга алоқаси бўлмаган кишиларнинг киришига йўл қўймаслик лозим, акс ҳолда инфекция тарқалишига шароит яратилади;

- ипак қурти тухумини жонлантиришга фақатгина малакали мутахассисларни тайинлаш керак. Улар агротехника қоидалари, ҳарорат ва намлик режимларини қатъий назорат қилиб боришлари даркор;

- намлик режимининг пасайишига асло йўл қўймаслик керак. Бордию ҳавонинг нисбий намлиги камайса тухум намликни кўпроқ йўқотади, эмбрион сувсизланади, тухумлардаги қуртларнинг жонланиши сезиларли даражада камаяди;

- жонланган қуртларни 6 соат ичида пешма-пеш тарқатиш талаб этилади. Инкубаторийларда юқоридаги тавсияларга эътибор қаратилса, соғлом қуртларни жонлантириб олиш ва уларни қурт боқувчиларга ўз вақтида тарқатишга эришилади.

Жонланиб чиққан тухумлар иссиқхоналарга жойлаштирилади ва дарҳол тут барги билан боқиш бошлаб юборилади.

Республикада фаолият олиб бораётган фермер хўжаликларида пиллачилик самарадорлигини ошириш, кўпроқ, сифатлироқ ва арзон пилла ишлаб чиқариш учун қуйидаги омиллар ҳамда имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш зарур:

1. Тут баргларида мавжуд комплекс модда ва бошқаларни саклаш ва янада кўпайтириш учун ишлаб чиқариш ва тайёрлашнинг прогрессив усулларидан фойдаланиш зарур. Бу мақсадда тут дарахтларини плантация майдонларида ўстирилиши, уларни экологик тоза сув билан ёмғирлаб суғориш, интенсив технология асосида ҳосилдорлигини ошириш лозим. Натижада ҳар кг пиллага илғор мамлакатлар масалан, Японияда, сарфланган озуқа даражасига эришиш мумкин. Охириги йилларда Японияда 1кг пиллага Ўзбекистонга нисбатан 2 марта кам барг сарфланади. Бу ўта долзарб муаммони амалга

ошириш мавжуд тут дарахти майдонларини кенгайтирмасдан ялпи пилла миқдорини камида 2 марта кўпайтиришга имконият яратади;

2.Озука ресурслари сифатини май-сентябр ойларигача таъминлаш 2-3 марта пилла етиштиришга, тармоқда банд меҳнат ресурсларидан, бинолардан ва бошқа воситалардан фойдаланиш коэффициентларини оширади;

3.Қуртларни аста-секин махсус биноларда боқишни ташкил қилиш ҳам прогрессив жараён ҳисобланади. Натижада пиллачиликда банд оилаларнинг турмуш маданияти яхшиланади;

4.Серҳосил ва сифатли пилла навларидан фойдаланиш, уларни қайта ишлашни фермер хўжаликларида ёки қишлоқ туманларида ташкил этиш ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

5.Пилла ва уни қайта ишлаш жараёнида маҳсулотларни эркин, келишилган шартнома баҳоларида сотиш, ишчи ва хизматчиларга гарантияли меҳнат ҳақи тўлашни амалга оширишга эришиш.

3-боб. Фермер хўжаликларида пиллачилик самарадорлигини ошириш йўллари .

3.1 Пиллачиликда самарали технологияларни қўллаш.

Хўжаликлар ҳам пилла ишлаб чиқариш ва сотишдан зарар кўрадилар, улар ҳар бир кг пилла етиштириш учун меъёрга нисбатан 1,5-2 марта ва ундан ортиқ тут баргини сарфлайдилар. Буни олдини олиш учун пилла етиштиришда самарали технологияларни қўллаш талаб этилади.

Ипак қуртларини кичик ёшларида (1-2-3) парваришlashда барглардан тежамкорлик билан фойдаланишда, ёш тут кўчатлари ва тут дарахтларининг пастки бачки новдаларидан чиққан барглари билан боқишни ташкил қилиш мақсадга мувофиқ.

Кичик ёшдаги қуртларга қўлда терилган барглар 5—7 мм кенгликда «угра» шаклида қирқиб берилади. Биринчи ва иккинчи ёшдаги қуртларга бир кеча-кундуз давомида 8—10, учинчи ёшдагисига эса 8 марта барг берилади.

Тўртинчи ёшдаги қуртлар бутун барглар ва яшил шохчалар билан боқилади. Бешинчи ёшдаги қуртларга барглар новдаси билан берилади. Бунинг учун новдалар 70—100 см узунликда кесилиб, сўкчакларга қўйилади. Тўртинчи ва бешинчи ёшдаги қуртларга сутка давомида 6 марта барг солинади. Тунда қуртларга 1 марта барг бериш керак.

Ипак безида ипак моддасининг ҳосил бўлиши қуртнинг бешинчи ёшида, айниқса, даҳага қирган кунлари амалга ошади. Шунинг учун ҳам даҳадаги қуртларни тўйдириб боқиш катта аҳамиятга эга. Бу вақтда қуртларга барг беришда узилишлар рўй берса, ипакнинг синтез жараёни сусаяди. Етарли барг билан таъминланмаса, улар ўраган пилла майда ва ипак миқдори кам бўлиб қолади, нави паст баҳоланади.

Пилла ҳосили ва унинг сифати сўкчаклар сатҳига ҳам боғлиқ. Қуртлар бир меъёردа ўсиши ва ривожланиши учун ёшига қараб қуйидагича сатҳ билан таъминланиши шарт: I ёшда - 2 кв.м; II ёшда - 5—6 кв.м; III ёшда - 12—15 кв.м; IV ёшда - 25—30 кв.м; V ёшда - 60 кв.м. Демак, бешинчи ёшда ҳар бир қути учун камида 60 кв.м сўкчак бўлиши зарур.

Мамлакатимиз иқлим шароитида қуртларни қуйидаги ҳароратда боқиш тавсия этилади: I ёшда 26—270С; II ёшда 26—270С; III ёшда 26—270С; IV ёшда 25—260С; V ёшда 24—250С; пилла ўрашда 250С.

Айрим пиллабоқарлар қуртхоналардаги ҳароратга етарли эътибор бермайди. Кичик ёшдаги қуртларни ҳаддан ташқари юқори ҳароратда (29—320С) боқиш ҳоллари учрайди. Ҳарорат юқори бўлганда қурт танаси ва барг сатҳидан сувнинг буғланиши тезлашади. Барглар сўлиб, сувсизланади. Натижада бундай барглар қурт ошқозонида тўла ҳазм бўлмайди. Қуртхонада ҳарорат меъёридан юқори бўлса, пилла майда бўлиб қолади.

Жазирама иссиқ пайтида тут баргларидаги намликнинг буғланиб кетиши оқибатида барглар қотиб қолади, ейилиш ва ҳазм бўлиш хусусиятлари ёмонлашади, оқибатда

пиллалар майда бўлиб, ҳосилдорликка путур етади. Бундай салбий ҳолатда тут баргларини озикавий қўшимчалар билан бойитиш яхши натижа беради. Ўзбекистон Ипакчилик илмий-тадқиқот институтида тут баргларини қуртларга едиришдан аввал қўшимча азот билан бойитиш усули ишлаб чиқилган. Азот манбаи сифатида карбамиднинг сувдаги 0,6% ли эритмаси билан баргларни 35—40 минут давомида ҳўллаб қуртларга едириш усули тавсия этилган. Карбамид эритмаси билан бойитилган тут барглари яхшиланади, уларни қуртлар нишхўрдсиз ейди, мўл ва тўлароқ ҳазм қилади. Янги усулда боқилган қуртлар йирик ва серипак пилла ўрайди, маҳсулдорлик ошади.

Ипак қуртларининг бир қанча юқумли касалликлари мавжудки, уларга профилактика чоралари кўрилмаса, пилла маҳсулдорлиги ва сифатига салбий таъсир этади. Касаллик тарқалишининг олдини олиш ҳамда қуртлар ҳаётчанлиги ва маҳсулдорлик кўрсаткичларини ошириш мақсадида қуртларни тўртинчи ва бешинчи ёшларида ҳар куни 1 марта марганцовканинг 0,005% ли нимранг эритмасида ҳўлланган тут барглари билан боқиш патоген микроорганизмлар ва токсик моддалардан тозалаш йўли тавсия этилган.

Ушбу усулларни амалиётда қўллаш қуртларни ўсиши ва ривожланишини тезлаштириб юқумли касалликларга чалинишининг олди олинади, нуқсонли, қорапачоқ ҳамда оқпачоқ каби сифатсиз пилла улушини кескин камайтиради, маҳсулотнинг наводорлик даражаси ва даромадни кўпайтиришга имкон яратади.

Баргга тўйган қуртлар бешинчи ёшнинг 8—9- кунларига келиб озикланишдан тўхтаб ўз танасини чиқиндилардан тозалагач, пилла ўраш учун қулай жой излай бошлайди.

Айрим пиллакорлар пилла ўраган қуртларни кўргач, ёппасига даста бостириб, қуртларга барг беришни батамом тўхтатадилар. Бу хато. Негаки, ҳамма қуртлар бирданига пилла ўрашга тайёр бўлмайди, улар орасида 1—2 кун барг ейдиган қуртлар ҳам бўлади. Ёппасига даста бостирилганида ана шу қуртлар оч қолиб, ғонада нобуд бўлади, пиравардида, ҳосил ва даромадга путур етади.

Бунга йўл қўймаслик учун қуртларни пилла ўраш учун етилганлигига ишонч ҳосил қилгач, зудлик билан ортиқча ғонани олиб ташлаш лозим. Ғона қанчалик сийрак бўлса, сифатсиз пилла микдори шунчалик кам бўлади.

Хона енгиллаштирилгандан сўнг сўкчак атрофига бир қатор даста қўйиб чиқилади. Бу иш сўкчакнинг энг юқори каватидан бошланади. Кейинчалик дасталар шахмат катакларига ўхшатиб қўйилади. Дасталар орасидаги очик жойлардан қуртларга новдасиз барг солиш давом этирилади. Шунда ривожланишдан бир оз орқада қолган қуртлар ҳам баргга тўйиб, пилла ўрашга киришади. Шундан кейингина қолган дасталарни қўйиш мумкин.

Пилланинг сифати даста хили ва унинг миқдорига боғлиқ. Дасталар қанчалик кўп ва сифатли бўлса, пилланинг наводорлиги ҳам шунчалик юқори бўлади. Бунинг учун қуртлар учинчи ёшга ўтиши билан дастабоп ўтларни ўриб келтириш ва қуритишни бошлаш керак. Дасталар яхши қуритилмаган бўлса, қуртлар пиллани ғонага кириб ўрайди. Ҳўл дастага ўралган пиллага ўтларнинг яшил ранги ўтиб қолади.

Яхшилаб қуритилган ўтлар супурги шаклида боғланади. Боғлар ўртача катталиқда бўлгани маъқул. Катта дастанинг ичига қуртлар кира олмайди. Умуман бир қути қурт боқилаётган сўкчакка ўрта ҳисобда 300 дона даста етарли.

Мингбош, оқбош, сариқ гулли (сурепка) ўтлардан энг яхши дасталар тайёрланади. Тадқиқотлар райхон, жамбил, рапс, перко, тритикале каби ўсимликлардан ҳам даста сифатида фойдаланиш мумкинлигини кўрсатади.

Қуртларнинг асосий қисми дастага кўтарилгандан сўнг, уларни мўътадил харорат ва хавонинг нисбий намлик режими таъминланган бошқа хонага олиб кириб қўйилади.

3.2 Ипак қурти касалликлари ва зараркунандаларига қарши кураш

Ипак қурти касалликларига ва зараркунандаларига қарши курашишда дезинфекция и асосий восита ҳисобланади. Ипак қурти касалликларини кўзғатувчи патоген микроблар дезинфекция ёрдамида зарарсизлантирилади.

Дезинфекция-юқумли касалликлар кўзғатувчи микро-организмларни турли бинолар, зарурий жойлар ва ташқи муҳитнинг турли субстрактларида йўқотиш усули ва воситасидир.

Қурт боқиш давомида ҳаддан ташқари кўп касаллик тарқалган қуртхона ва хонадонларда инфекция ўчоғини йўқ қилиш мақсадида ўчоғли дезинфекция ўтказилади. Ўчоғли дезинфекция ўз навбатида жорий ва яқунловчи бўлиши мумкин. Демак, ипак қуртининг юқумли касаллиги тарқалган жойларда аввал жорий, қурт боқиш мавсуми охирида яқунловчи дезинфекция ўтказилади, Пилла етиштирувчи хўжалиқларида қуртларнинг касалланишини олдини олиш мақсадида асосан профилактик, яъни касалликнинг олдини олиш учун дезинфекция ўтказилади.

Умуман, дезинфекцияни иссиқ ҳаво, иссиқ сув, иссиқ буғ, кимёвий моддалар ва бошқа воситалар ёрдамида амалга оширилади. Пиллачиликда асосан кимёвий усул билан дезинфекция қилинади. Баъзан асбоб-анжомларни зарарсизлантиришда иссиқ сув ва иссиқ буғдан фойдаланилади.

Кимёвий усулда дезинфекция қилиш зарарсизлантириш. Бунда микроорганизмларни халок қиладиган кимёвий моддалар ишлатилади, кимёвий моддаларни дезинфекциялаш механизми, эриган модда заррачалари микроорганизмларнинг хужайра қобиғи ва пардаси орқали шилиниб, хужайра ичига кириб боради ва унинг компонентлари билан реакцияга кириб, микробларни зарарсизлантиради.

Суюқ ҳолдаги кимёвий моддалар микроорганизмларнинг хужайра пардасидан ўтиши осон бўлади. Кимёвий дезинфекцияловчи моддаларнинг турлари жуда кўп. Таркибидаги хлор, формальдегид, фенол, аммоний, оғир металллар бўлган моддалар шулар жумласидандир.

Дезинфекцияловчи моддалар орасида хлорамин ва

кальций гипохлорит нисбатан кенг қўлланилади. Пиллачилик объектлари эса асосан формалин билан дезинфекция қилинади. Формалин. кимё заводларида формальдегид /чумоли кислота альдегиди/ газининг сувдаги эритмаси холида, ишлаб чиқилади. Бинолар - кўрхоналар одатда 4 фоизли формалин эритмаси билан дезинфекция қилинади. Кимё заводлари 40,36 ёки 30 фоизли формалин ишлаб чиқаради.

Дезинфекция учун кальций гипохлориднинг 2 фоизли эритмаси ишлатилади: Бундай эритмани тайёрлаш учун кальций гипохлориднинг 200 г кукуни 10 литр сувда эритилади. Сўнгра 100 г аммиакли селитра қўшилади ва' яхшилаб аралаштирилади. Натижада эритмадан хлор хиди кела бошлайди.

Агар кальций гипохлорид кукуни ва аммиакли селитра сувсиз аралаштирилса портлаш содир бўлиши мумкин. Бунинг олдини олиш учун кальций гипохлоридни аввал сувда эритиб, сўнгра аммиакли селитра қўшиш керак.

Эритма дезинфекция ишларини бошлашдан тахминан 1 соат аввал тайёрланади. Акс холда эритмадаги хлор ҳавога қўтарилиб кетади. Тайёр эритмадан 7-8 соат давомида фойдаланиш лозим. Дезинфекция давомида ҳар 3м² сатҳга 1 литр пуркалади..

Хлорамин эритмасини тайёрлаш. Монохлорамин кимё заводларида кукун холида ишлаб чиқилади. Дезинфекцияловчи эритма тайёрлаш учун идишга аввал 10 литр сув қуйилади ва унга монохлорамин кукуни солинади. Сўнгра монохлорамин оғирлигига тенг миқдорда аммиакли селитра қўшиб ёғоч куракча ёрдамида яхшилаб аралаштирилади. Бунда идиш тагида монохлорамин ва аммиакли селитра чўкмаси қолмаслиги керак. Заводлардан келтирадиган монохлорамин кукуни таркибида хлор миқдори турлича бўлади. .

Эритма устида қуюқ кўпикнинг ҳосил бўлиши уни ишлатиш учун тайёр бўлганлигидан далолат беради. Тайёр эритмадан 5-6 соат давомида фойдаданиш мумкин.

Монохлорамин эритмасининг 1 литри 3м² сатҳга пуркалади. Агарда кўрт боқилдиган бино деворлари нотекис. бўлса, сувалмагаи бўлса, 1 литр эритма 2м² сатҳга пуркалади.

Биноларни дезинфекция қилишдан олдин, бино ҳарорати 24-25°C кўтарилиб, хонага қурт боқишда фойдаланиладиган сўкчаклар, асбоб ва ускуналар олиб кирилади. Хоналарнинг эшик ва деразалари формальдегид гази чиқиб кетмайдиган қилиб зич бекитилади. Шундан сўнг дезинфекцияловчи эритмани пуркашга киришилади. Бунда қўл кучи билан ишлатиладиган ва электр пуркагичлар қўлланилади. Айрим хўжаликлар дезинфекция ишини марказлаштирилган ҳолда амалга ошириш учун трактор ва автомобиль, осма пуркагичлардан фойдаланадилар. Бу ларнинг ҳаммаси иш унумини оширади. ...

Дезинфекция сифатини ошириш мақсадида хона деворлари, шифти, поли, хонадаги сўкчаклар ва асбоб-ускуналарга эритма бир текис қилиб сепилиши керак.

Дезинфекцияловчи модда микроорганизм билан контактда бўлгандагина ўз таъсирини кўрсатади. Эритма фақат бинонинг ички қиемига эмас, балки ташқарига ховли ва йўлакларга сепилиши зарур. Эритма пуркаб бўлингач дезинфекция қилинган хоналарнинг эшик ва деразалари ҳаво кирмайдиган қилиб бекитилади. Хоналарни иситишда давом этган ҳолда икки-уч кун ўтгандан кейин эшик ва деразалар очилиб, хоналарни дезинфекция моддасининг хиди кўтарилганча шамоллатилади.

Дезинфекция қилмасдан қурт боқиш натижасида йил сайин касаллик кўзғатувчи микроблар кўпайиб боради. Қурт боқиш бошланиши блан қуртхона, асбоб-ускуналар ва теварак атрофда сақланиб қолган микроорганизмлар ёппасига касалликни тарқалишига, қуртларнинг қирилиб кетишига сабаб бўлиб, пилла ўрашга етиб борган қуртлар сонининг камайиб кетиши, ўз навбатида ҳосилдорликка путур етказади. Касал қуртлар ўраган пиллаларда кўплаб доғлар бўлгани учун паст навларга қабул қилинади. Натижада пиллакорлар бир ой давомида кечаю-кундуз машаққатли меҳнат қилиб арзимаган даромад олишга эришади. Дезинфекцияни бажармаслик ёки уни инкор қилиш бу соҳанинг иқтисодий негизига салбий таъсир этади. Шунинг учун бу тадбириий чорага катта эътибор бериш зарур.

3.3 Пиллачиликда озуқа базасини мустаҳкамлаш.

Ипак куртидан мўл ва сифатли пилла етиштириш кўп жиҳатдан озуқа базаси — тут дарахтлари ва тутзорлардан олинадиган барг ҳосилига боғлиқдир. Шу боис айни кунларда якка тартибда қаторлаб экилган тут дарахтларига, мавжуд баланд танали ва бута шаклидаги тутзорларга ишлов бериш муҳим аҳамиятга эга.

Тут дарахтлари тагини юмшатиш, қатор ораларига ўғит солиш, ишлов бериш каби юмушлар ўз вақтида амалга оширилса, сифатли ва мўл барг ҳосили олиниб, улардан ипак курти боқилганда сифатли ва юқори пилла ҳосили етиштирилади.

Фермерлар баҳорда янги тут кўчатлари экишга жиддий эътибор беришлари зарур. Кўчатлар экилгандан сўнг суғорилса, ниҳоллар ерга яхши жойлашиб, тез кўкаради. Кўчатлар ўз вақтида сифатли парваришлаб турилса 3—4 йилда барг ҳосили бера бошлайди.

Пиллачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш мақсадида 2006 йилда 4038 гектар, 2007 йил 4273,4 гектар, 2008 йил 3725,7 гектар майдонга тутзорлар барпо қилинган, 2009 йилда 5700 гектар майдонда янги тутзорлар барпо қилиш мўлжалланган. Бундан ташқари йўл бўйлари ва ариқ ёқаларига 9982,1 минг туп тут кўчатлари экилди. Янги тутзорлар барпо қилиш ишлари давом эттирилмоқда.

Республикамиз бўйича 2009 йилда мавжуд 55327 гектар тутзорларнинг 48317,9 гектари (87,3%) хайдалди, 36756,4 гектари (66,4 %) ўғитланди ва 47339,6 гектари (85,6%) суғорилди. Мавжуд 78543,7 минг туп тут қаторларининг 64499,9 минг тупи (82,1%) нинг таги юмшатилади, 48286,7 минг тупи (61,5 %) ўғитланди ва 64124,8 минг тупи (81,6 %) суғорилди. Тутзорлардаги яроқсиз ҳолга келиб қолган тут дарахтлари ўрнига 1986,7 минг туп, якка қатор тут дарахтларининг хатоларига 2025 минг туп тут кўчатлари экилди.

Пиллачиликда озуқа базасини мустаҳкамлашда амалга ошириладиган муҳим тадбирлардан яна бири ўтган йили новда ва шохлари кесилмай қолиб кетган тут дарахтларини ёшартиришдир. Дарахтларни ёшартиришни февраль-март ойларида танасида шира ҳаракати бошланмасдан олдин амалга ошириш керак.

Бунда қуйидагиларга риоя қилиш лозим: дарахт бир каллакли бўлса, бу каллак тагидан 5—10 см қолдириб кесилади, кўп каллакли бўлса ҳамма каллаklar тагидан кесилмай, каллакдаги бутуқларнинг учларигина қирқилади. Баргидан бир неча йил давомида ёки

бутунлай фойдаланилмай келаётган тут дарахтларини ёшартиришда ўсиб кетган бутоклардаги асосий шохларнинг учдан икки қисми кесилиб, 1/3 қисми қолдирилади.

Ёшартирилган дарахтларни яхши парваришлаб, уларнинг баргидан фойдаланмаслик лозим. Бундай дарахтларга шакл бериш келгуси йилги мавсумда бажарилади.

Тут дарахтларидан юқори сифатли ва мўл барг ҳосили олиш учун якка қатор тут дарахтлари ва тутзорлар март-апрель ойларида ўғитланади. Ўғит берилгандан сўнг уларни қондириб суғориш талаб этилади, акс ҳолда ўғитларнинг таъсирчанлиги камаяди.

Тутзорларга ўғит беришда ернинг шароитига қараб, ҳар гектар тутзорга 360—400 кг аммиак селитраси ва 400—500 кг суперфосфат солинади.

Якка қаторлаб экилган тут дарахтларига ёшига қараб, ҳар бир туп дарахтга:

10 ёшгача — 375 г аммиак селитраси, 300 г суперфосфат;

10 ёшдан-20 ёшгача — 750 г аммиак селитраси, 625 г суперфосфат;

20 ёшдан-40 ёшгача — 1500 г аммиак селитраси, 1250 г суперфосфат берилади.

Ўғитларнинг ярми шу кеча-кундузда, қолган қисми эса барги кесиб олингандан сўнг солинади.

Тут дарахтлари ва тутзорларни ўз вақтида озиклантириб суғорилса барг ҳосили 25—30% га ошади. Баргнинг таркибида ипак курти учун зарур бўлган моддалар етарли бўлади, куртлар бақувват ва соғлом ўсади.

Юқорида айтилган агротехник тадбирлар ўз вақтида бажарилса, сифатли ва юқори барг ҳосили етиштирилиб, пилладан мўл ҳосил олишга замин тайёрланади.

Маълумки, сифатли ва мўл пилла ҳосили етиштириш аввало унинг озуқа базасига боғлиқ. Шунинг учун айна кунларда якка тартибда қаторлаб экилган тут дарахтларига, мавжуд баланд танали ва бута шаклида экилган тутзорларга сифатли ва ўз вақтида ишлов беришни амалга ошириш зарур.

Бунинг учун ҳозирдан бошлаб, тут дарахтларини тагига ва тутзорларга гўнг ва фосфор сепиб, қатор оралари 40 см чуқурликда ҳайдалиши лозим. Якка тартибда қаторлаб экилган тут дарахтларини кетмон ёки белкуракда юмшатилиши тавсия этилади. Баланд танали тутзорларнинг ҳар гектарига куз мавсумида 15—20 тонна гўнг ҳисобидан, фосфор ва калий ўғитларини 50% миқдори аралаштирилиб ўғит сепкичлар ёрдамида ерга солинади. Шундан сўнг 40 см чуқурликда ҳайдалади. Майдон шўрланган бўлса, ҳайдашдан олдин ёки ҳайдалгандан сўнг ернинг шўри ювилади.

Бута шаклида экилган тутзорларнинг қатор оралари экинлардан бўшагандан сўнг 25—35 см чуқурликда ҳайдалади. Бу шаклда экилган тутзорлар шўрланган бўлса ҳайдаш олдидан ёки ҳайдашдан кейин шўри ювилиши шарт, акс ҳолда тутларнинг ривожланиши,

ўсишига ва олинадиган барг ҳосилига салбий таъсир қилади.

Шўрланган тутзорларга кузда яхоб суви бериш, биринчидан ерни шўрини кетказса, иккинчидан қиш даврида қишлаш учун тупроқда ётган ҳар хил зараркунандаларнинг ғумбаклари ва ҳашаротларнинг личинкаларини нобуд қилади.

Шу ўринда яна бир муҳим нарсани эслатиб ўтиш керак, кейинги 10—15 йиллар давомида республика хўжаликларида кенг тарқалган хавфли ҳашаротлардан бири – «Тут парвона»си тут дарахтларига кўплаб зарар келтирмоқда. Бу ҳашаротнинг тухумидан чиққан майда қуртчалари тут дарахтларининг вегетация даврида барглари билан озиқланиб қиш даврида ғумбаклари тут танасидаги ёрилган пўстлоқ ва тупроқ орасида қишлик даврини ўтказди. Тутзорлар қатор орасини ҳайдаб, дарахтларнинг тагини чошиб, ишлов ва яхоб суви берилса тупроқда қишлоғга кетган ҳашаротларнинг ғумбаклари ва личинкаларини бирмунча камайяди

Булардан ташқари яна бир муҳим агротехник тадбир – куз даврида кўчат экишни сифатли амалга ошириш ҳисобланади.

Фермер хўжаликларида ипак қурти озуқа базасини мустаҳкамлаш мақсадида ҳар йили кўплаб тут кўчатлари экилади. Куз мавсумида ариқ бўйларига, далалар четларига, йўл ёқаларига янги тутзорлар ташкил қилишда сифатли тут кўчатлардан фойдаланиш лозим. Кузда экилган кўчатларни кўқариши ва уларнинг ривожланиши баҳорда экилган кўчатларга қараганда бирмунча юқори бўлади. Шунинг учун бу тадбирларга алоҳида эътибор бериш лозим.

Кўчатлар экилгандан сўнг тезда суғориш лозим. Биринчи сув ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Чунки кўчатлар экилгандан сўнг суғорилганда тупроқ ўтиради ва кўчатлар ерга яхши жойлашади.

Тут қаторлари ва тутзорларга ўз вақтида агротехника қоидалари асосида ишлов берилганлиги, тут дарахтлари зараркунандаларига қарши кураш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида ипак қуртларини сифатли озуқа – тут барги билан тўлик таъминлаш имкониятини беради.

Хулоса ва таклифлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 15 ноябрдаги ПҚ-512-сон қарори асосида 2009 йилда 420 минг 344 та курт боқувчи звенолар билан 52 минг 514 та фермер хўжаликлари ўртасида ички меҳнат шартномалари тўлиқ тузилиб, уларга яқка қатор тут дарахтлари ва тутзорлар бириктириб берилди.

Республика бўйича 3922 та инкубатория танланиб, улар таъмирдан чиқарилди ҳамда зарур ускуна ва жиҳозлар билан таъминланиб, уруғ тўқишга тайёр ҳолатга келтирилди. Бунда 447,7 минг қути ипак қурти уруғлари парваришланди, унинг ярмидан кўпроғи, яъни 54,3 фоизи “Ўзбекистон-5”, “Ўзбекистон-6”, “Ипакчи-1”, “Ипакчи-2” каби маҳаллий зот уруғлари бўлса, 45.7 фоизи хорижникидир.

2009 йилда республика бўйича умумий қиймати қарийб 30,0 млрд сўм бўлган 23,0 минг 972,4 тонна, 2008 йилга нисбатан 1.1%фоизга ортиғи билан тирик пилла етиштирилиб, унинг 87,6 фоизига тўлов амалга оширилди. Мавсумда ҳар қути ипак қуртидан олинган тирик пилла ҳосили ўртача 53,5 килограммни ташкил қилди. Бугунги кунга қадар 2010 йил ҳосили учун 450,3 минг қути, 60.4% (2008 йил амалда 254 минг қути) ипак қурти уруғлиги тайёрланган, бу борадаги ишлар давом эттирилмоқда чунки аҳоли турмуш даражасининг ўсиши натижасида табиий ипакдан тўқилган турли маҳсулотларга бўлган талабни ортишига сабаб бўлмоқда. Битирув малакавий иш ёзиш учун танлаб олинган **“Фермер хўжаликларида ипакчилик самарадорлигини ошириш йўллари таҳлили”** мавзусини ёритишда, битирув малакавий ишга қўйилган барча талабларни бажариш мақсадида Республикада пиллачиликнинг аҳамияти ва ривожланиш асосларини, фермер хўжаликларида пиллачилик ва унинг натижаларининг таҳлилини, фермер хўжаликларида ипак қуртини боқиш технологиясини .фермер хўжаликларида пиллачилик самарадорлигини, фермер хўжаликларида пиллачилик самарадорлигини ошириш йўллари ўрганган ҳолда тегишли хулосалар чиқариб, таклифлар келтирилди.

Битирув малакавий ишда **“Фермер хўжаликларида ипакчилик самарадорлигини ошириш йўллари таҳлили”** мавзусини ёритишдатадқиқот объекти сифатида Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани “ Қорасув ” фермерлар уюшмаси фермерларининг пиллачилик иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил қилиб, пиллачилик рентабеллик даражаси хўжаликларда 17-20 фоизга тенглиги аниқланди аммо ҳозирги даврда илғор фермер хўжаликларининг тажрибасига кўра пиллачиликнинг ишлаб

чиқариш иқтисодий самарадорлигини ошириш имкониятлари республикада мавжудлиги, пиллачиликни энг рентабелли тармоқлардан бирига айлантиришга ҳаракат қилиш қилиш кераклиги аниқланди.

Фермер хўжаликларида ипакчилик самарадорлигини ошириш учун:

- пилла етиштиришнинг озуқа базаси ҳисобланган тут дарахтлари ва тутзорлардан олинадиган барг ҳосилини ошириш;

-тут баргларида мавжуд комплекс моддаларни саклаш ва янада кўпайтириш учун ишлаб чиқариш ва тайёрлашнинг инновациявий усулларидан фойдаланиш ;

тут дарахтларини экологик тоза сув билан ёмғирлаб суғориш, интенсив технология асосида ҳосилдорлигини ошириш ;

-ҳар кг пиллага илғор мамлакатларда, сарфланган озуқа даражасига эришиш ;

-озуқа ресурслари сифатини май-сентябр ойларигача таъминлаш;

- 2-3 марта пилла етиштиришга эришиш;

- тармоқда банд меҳнат ресурсларидан, бинолардан ва бошқа воситалардан фойдаланиш коэффициентларини ошириш;

-қуртларни аста-секин махсус биноларда боқишни ташкил қилиш ;

-серҳосил ва сифатли пилла навларидан фойдаланиш;

-қайта ишлашни фермер хўжаликларида ёки қишлоқ туманларида ташкил этиш;

-пилла ва уни қайта ишлаш жараёнида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни эркин, келишилган шартнома баҳоларида сотиш;

-ишчи ва хизматчиларга барқарор меҳнат ҳақи тўлашни амалга оширишга эришиш зарур.

Фермер хўжаликларида ипакчилик самарадорлигини ошириш натижасида тут дарахти майдонларини кенгайтирмасдан ялпи пилла миқдорини кўпайтиришга ,йилига 2-3 марта пилла етиштиришга, тармоқда банд меҳнат ресурсларидан, бинолардан ва бошқа воситалардан фойдаланиш коэффициентларини оширишга, қуртларни аста-секин махсус биноларда боқишни ташкил қилишнинг прогрессив жараёнларини барпо этишга, пиллачиликда банд оилаларнинг турмуш маданиятини яхшилашга ҳамда пилла етиштириш билан бирга уни қайта ишлаш жараёнларини қишлоқларга олиб кириш имкониятлари яратилади,

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни. 2004 йил 26 август
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 январдаги «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3706-сонли Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 308-сонли қарори.
4. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 мартдаги «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида агросаноат фирмалари ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 42-сонли қарори
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 апрелдаги “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 842-сонли қарори
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2008 йил ПФ-4041 сонли Фармони.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида. 2008 йил 28 ноябрь, ПФ-4058-сон.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкаларини мақбуллаштириш чора-тадбирлари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш мақсадида махсус комиссияни ташкил қилиш тўғрисида”ги 2008 йил П-3077 сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкалари майдонларини янада мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2009 йил 22 октябрдаги Ф-3287-сонли фармони
10. . Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. «Баркамол авлод йили» Давлат дастури тўғрисида. 2010 йил 27 январь, ПҚ-1271-сон.
11. . Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. «Қишлоқ таракқиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурини кучга киритиш тўғрисида. 2009 йил 26 январь, ПҚ-1046-сон.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 26 январь, ПҚ-1047-сон.

13. Асосий вазифамиз – Ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Президент Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январь.
14. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.
15. Каримов И. А. ”Жаҳон молиявий –иқтисодий инқирози , Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” Т . Ўзбекистон,2009.
16. Саматов Ғ.А , Ёдгоров Ж.Ё, Рустамова И.Б. “Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш” Т. Тош.ДАУ ,2005
17. О.Олимжонов ва бошқалар “Фермер фаолиятининг ҳуқуқий ва молиявий асослари”. Тошкент. 2005 йил.
18. Фармонов Т.Х. “Фермер хўжалиқларини ривожлантириш истиқболлари”.- Тошкент : «Янги аср авлоди», 2004.
19. .Умурзоқов Ў.П., Тошбоев А.Ж, Тошбоев А.А “Фермер хўжалиги иқтисодиёти”. –Т. Иқтисод-Молия, 2008 й.
20. А.Абдуғаниев, А.А.Абдуғаниев, «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти», Т. «Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт Жамғармаси», 2004
21. А.Исмоилов О.Муртазаев «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти» Т. 2003 йил
22. Коваленко Н.Я., Умурзаков У.П.и др. Экономика и организация фермерского хозяйства. М.: РГАУ – МСХА им. К.А. Тимирязева, 2008.
23. О.Олимжонов ва бошқалар «Фермерлик фаолиятининг ҳуқуқий ва молиявий асослари»Т.: Узбекистон, 2005 й.
24. Т.Икромов “Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш технологияси” Т. 2001й
25. И.Хошимов “ Қишлоқ хўжалик чорва молларини озиклантириш” Т.2001й
26. Н.Ахмедов “Ипакчилик асослари” Т 1998й
27. Н.Ахмедов “Пиллаларни таёрлаш ва дастлабки ишлов бериш ” Т 2006й
28. А. Исамухамедов “Асаларичилик” Т 1995й
29. Т.Каримбердиев “Асал –саломатлик манбаи” Т 2009й

30. ОЯкубжонов “Дончилик” Т 2009 й
31. О. Хусанов “Фермер хўжаликлари фаолиятини ривожлантиришнинг долзарб масалалари.”-- “Бозор , Пул ва кредит”журнали 03.2010й
32. Т. Умаров “Миллий иқтисодиёт – ислохотларни чуқурлаштириш йўлида”
33. “Бозор ,Пул ва кредит”журнали 06.2009й
34. О. Эгамбердиев “Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти рақобатбардошлигини баҳолаш.” -- “Бозор , Пул ва кредит”журнали 07.2008й
35. А.Алтиев “Ернинг капиталлашуви ва молия бозорининг кенгайиши” -- “Бозор , Пул ва кредит”журнали 09.2008й
36. А.Абдуғаниев ,В. Норбоев “Чорвачиликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари.”—“Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ” журнали 04.2010 й
37. <http://www.kvernoland.com>
38. <http://www.poettinger.co.at>
39. www.finance.uz
40. www.uza.uz